

## **МЕТАФОРАНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДА ҚЎЛЛАНИШИ**

**Бозоров Зокир Мехрикулович**

PhD, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи

### **АННОТАЦИЯ**

*Маълумки, стилистика тилишуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилдаги мулоқотнинг турли шароитлари учун бир ҳил бўлмаган танлов усуллари ҳамда тил бирликларининг ягона мазмун бутунлигида ташиқил қилиниши йўлларини, шунингдек ушбу принцип ва усулларда тилдан фойдаланиши турлари, услублари белгиланадиган фарқлар ва уларнинг тизимини ўрганади. Бадиий матнда турли ҳил воқеа-ҳодисалар, предметлар, асар қаҳрамонларини тасвирлашда стилистика жуда муҳим ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:** стилистика, метафора, маданият, “Ўткан кунлар”, поэтик тасаввур, субъектив мазмун, индивидуал-ижодий ўзига хослик.*

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТАФОРЫ В РОМАНЕ «МИНУВШИЕ ДНИ»**

**Бозоров Закир Мехрикулович,**

PhD, начальник отдела контроля качества образования Узбекского

государственного университета мировых языков.

### **АННОТАЦИЯ**

*Известно, что стилистика — раздел языкознания, изучающий разнообразные способы подбора языковых средств для различных условий языкового общения, а также организацию языковых единиц в единое содержательное целое. Стилистика анализирует различия и систему, определяющую типы и стили использования языка, основываясь на принципах и методах.*

*В данной работе освещается важная роль стилистики при описании разнообразных событий, предметов и персонажей в художественном тексте. Особое внимание уделяется ключевым понятиям, таким как метафора, культура, «Минувшие дни», поэтическое воображение, субъективное содержание и индивидуально-творческая личность.*

***Ключевые слова:** стилистика, метафора, культура, «Минувшие дни», поэтическое воображение, субъективное содержание, индивидуально-творческая личность.*

## **USE OF METAPHOR IN THE NOVEL “THE DAYS GONE BY”**

**Bozorov Zakir Mekhrikulovich,**

PhD, head of the Department of quality control of Education of the Uzbek State  
University of World Language.

### **ABSTRACT**

*It is known that stylistics is a branch of linguistics that studies various ways of selecting linguistic means for various conditions of linguistic communication, as well as the organization of linguistic units into a single meaningful whole. Stylistics analyzes the differences and system that defines the types and styles of language use based on principles and methods.*

*This work highlights the important role of stylistics in describing various events, objects and characters in a literary text. Particular attention is paid to key concepts such as metaphor, culture, “The Days Gone by”, poetic imagination, subjective content and individual creative personality.*

***Key words:** stylistics, metaphor, culture, “The Days Gone by”, poetic imagination, subjective content, individual creative personality.*

### **КИРИШ**

Дунё тилшунослигида стилистиканинг объекти ҳисобланган стилистик воситаларга қуйидагилар киритилади:

1) фонографик стилистик воситалар: аллитерация, ономотопия, пунктуация, метографик воситалар (остиға чизиш, шрифт билан ажратиб кўрсатиш, бош ҳарфлар);

2) синтактик стилистик воситалар: инверсия, парцелляция, такрорлаш, риторик саволлар, синтактик параллелизм, анафора, эпифора, инверсия, эллипсис кириш сўзлари, мурожаатлар);

3) лексик стилистик воситалар: эпитет, киноя, ўхшатиш, метафора, персонификация, литота, оксюморон, аллитерация, аллюзия, амплификация, амфиболия, антитеза, каламбур, градация, муболаға, сарказм, синекдоха, перифраз, параллелизм, метонимия, эвфемизм ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган стилистик воситалар бадий услубдаги матнларда қўлланиш жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Асарнинг яратилиш даври, жанри, муҳити ва ҳақозоларга кўра стилистик воситаларнинг қўлланишидаги фаол ёки нофаоллигини кузатиш мумкин.

Анъанавий тилшунослик нуқтаи назардан, одатда, метафора шеърятда ишлатиладиган нутқ иборалари таркибига киради. Бу сўзни ўз маъносидан

бошқа бир маънода, яъни мажозий маънода қўллаш усулидир. Роберт Фростнинг таъкидлашича, “шеърият бир тушунчани номлаган ҳолда, бошқасига маъно бериш имконини беради”. Сўзлар ўзларининг асл маъноларига эга, аммо бундан ташқари кўчма маънода ишлатилиши мумкин.

Масалан: The girl is a rose – Қиз бола - бу атиргул [Kovecses, 1986].

Ушбу жумлани том маънода кўриб чиқадиغان бўлсак, мантикий мазмунни кўрсата олмаймиз. Аммо “атиргул” сўзи “гўзаллик”, “мулойимлик”, “софлик” рамзи сифатида мажозий маънода қиз болага нисбатан қўлланилиши мумкин. Бундай ёш аёл хушбўй ифорли, гўзал, ўзига жалб этувчи ва шу каби жиҳатлари билан атиргулга ўхшайди. Шеърият мутахассислари сўзларнинг мажозий маънода қўлланиши шоирлар учун қўл келишини таъкидлайдилар.

Ҳис-туйғули ва эхтиросли жараёнлар кундалик ҳаётимизга артистизм унсурларини олиб киради, демакки, у билан бирга нутқимизда сўз истеъмолининг нотабий таъйинини кўрсатувчи ва борлиқни бадий тасвирлашнинг антиқа усулидан иборат бўлган метафора кенг қўлланади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Метафора назариясининг яратилишига дахлдор вазифалар етарли даражада изоҳланиш имкониятига эга бўлиб, фақат лингвистика доирасида ҳал этилиши мумкин эмас ва англаш жараёнлари соҳаларини инобатга олинишини тақозо этади.

Когнитив назария тадқиқот марказига инсонни қўяди. У метафорани тушунишни нутқнинг яратилиши ва идрок этилишига ҳамроҳлик қилувчи ментал-миллий жараёнлари билан боғлайди. Метафора атроф-муҳит тўғрисида янги маълумот олиш имкониятини яратувчи икки моҳиятнинг ўзаро ҳамкорлигидан иборат бўлган ментал ва лисоний механизм сифатида тасаввур қилинади.

Л.Л.Нелюбиннинг таъкидлашича, “метафоранинг мақсади нарса ёки ҳодисанинг шунчаки номланиши билан эмас, балки унинг экспрессив тавсифи билан боғлиқ” [Нелюбин, 1990].

Нутқимизда эмоционал-ҳиссий таъсир кўрсатиш зарурати юзага келганда, метафора пайдо бўлади. “Адресатга эмоционал таъсирдан нафақат ёзувчи, публицист, жамоат арбоби, ва умуман жамиятнинг исталган аъзоси манфаатдор. Мақсадларнинг умумийлигидан қўлланилаётган лисоний усулларнинг умумийлиги келиб чиқаради. Ҳис-туйғуларни ва эмоционал босимни ифодалаш соҳаси кундалик нутқимизга артистизм унсурини, у билан бирга эса, метафорани ҳам олиб киради” [Riker, 1990].

Метафора бадий асар муаллифи индивидуал услубининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, муаллифнинг атроф-муҳитга субъектив муносабатини акс эттириб, асар персонажлари тавсифига хизмат қилади.

А.В.Халимованинг фикрига кўра, матн нутқнинг максимал ҳажмли бирлиги ҳисобланиб, унда муаллиф фикри ва кечинмалари яхлитлигини мазмуний ифодалаш учун асосий ҳоссаи алоқадорлик ва бутунлик бўлган лисоний белгиларнинг ёпиқ тизимидан фойдаланилади [Xalimova, 2005]. Бадий матн рамзий табиатга эга бўлиб, ўзига хос семиотик реалликдан иборат. Матн тузилмаси сюжет истиқболи атрофида гуруҳланади. Мазмун-мафкура жиҳатдан бадий матн функционал мазмун тобелиги орқали муаллиф нуқтаи назарини намоён қилади. Бадий матннинг мазмун томони мазмун тугуни атрофида гуруҳлашади ва сюжетгача ҳамда сюжет даври синтезидан иборат бўлади.

Сўз санъаткори ўз жамиятининг типик вакили ҳисобланади ва бу ҳолат базавий метафораларнинг индивидуал – муаллифлик услубида ҳам муайян даражада из қолдиради, шунингдек, бадий онгнинг таянч концептлари мазмуни ва таркибига таъсир кўрсатади.

Метафора бир вақтнинг ўзида ҳам ментал, ҳам лисоний механизмдан иборат бўлади. Бу механизм икки турли моҳият касб этувчи ҳодиса ва нарсаларнинг ўхшашлик, анологияси асосидаги ўзаро фаолияти ва қиёсланишидан иборат бўлади. Бошқача айтганда, гап умумий белгиларнинг топилиши ҳақида бормоқда.

Метафора узоқ вақт давомида турли хил нуқтаи назардан ўрганилган. Файласуфлар тилни сўзма-сўз, тафаккур метафорасидан факат шоирлар фойдаланиши мумкин деб ҳисоблашади. Когнитив тилшунослар метафорани муҳим ва аҳамиятга молик деб билишади, чунки улар маъноларнинг конструктивлигини ва вазиятни чуқур тушунишимизга урғу беришади. Метафора маъно жиҳатдан ўрганилиб, аввал том маънода, сўнгра идиоматик маънога қаратилиб, аста-секин жараённи шакллантиради. Агар дунёдаги тилларнинг аксарияти метафора бўлса, демак, биз тилнинг метафорик моҳияти инсон табиатининг рад этилиши, деб айта оламиз.

Жумладан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги қуйидаги парчага эътиборимизни қаратсак:

*Сарой аҳли кундузги иш кунларидан бўшаб хужраларига қайтқанлар, кўб хужралар кечлик ош пишириш ила машгул, шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хохолаб кулишишлари саройни кўкка қўтаргудек [Qodiriy, 2009: 6].*

Ўзбек халқининг чин маънода ўзига хос миллийлигини акс эттирадиган мазкур романнинг ушбу парчасида метафора лексик стилистик воситаси кечлик ош пишириш ила машғул, сарой жонлиқ, саройни кўкка кўтаргудек каби бирикларда метафора қўлланган. Бу ерда хужралар, сарой сўзлари орқали одамлар, савдогарлар ифодаланмоқда.

*Оғир табиатлик, улуғ завдалиқ, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит [Qodiriy, 2009: 6].* Муаллиф мазкур парчада романдаги бош қаҳрамонлардан бири Отабекни тасвирлашга ҳаракат қилган. Бу ерда мурти сабзи урган тасвирий ифодаси орқали Отабекни ўспирин бир йигит, ёши йигирма-йигирма иккилар атрофида эканлигини кўрсатиб, бадиий адабиётнинг ўзига хос бадиий эстетик қийматини намоён этмоқда.

*Қандоғдир бир хаёл ичида ўлтурғучи бу йигит Тошканднинг машҳур аъёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек [Qodiriy, 2009: 6].* Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шуҳрати нимаучундир бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган, кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашканда унинг отиға тақилган лақабни кўшиб айтмасалар, ёлғиз «Ҳомидбой» дейиш ила уни танита олмайдилар [Qodiriy, 2009: 7].

Романдаги салбий қаҳрамон бўлмиш Ҳомидга берилган таърифдан муаллиф бадиий тасвирий восита, яъни метафорадан моҳирона фойдаланиш орқали ёритиб берган. Бу ерда орқасидан сўзлашган (аслида: у ҳақида гапирганда), отиға тақилган (аслида: исмига кўшиб айтиладиган) сўз бирикмаларида метафора лексик стилистик восита қўллаган.

*Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир,- деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. - Уйлангач, хотининг таъбингга мувофиқ келса бу жуда яхши; йўқса, мунчалиқ оғир гап дунёда бўлмас [Qodiriy, 2009: 10].* Ушбу матнда метафора лексик стилистик воситаи уйланишдек нозик иш ва оғир гап бирикмаларида қўлланган. “Уйланишдек нозик бир иш” бирикмаси аслида “турмуш қурушга жиддий эътибор қаратиш”, “етти ўлчаб бир кесиш”, “кичик бир хато бутун умрга татиғулик ташвишга айланиши мумкин бўлган амал” каби маъноларда қўлланилмоқда. “Оғир гап” бирикмаси эса, юқорида таъкидлаб ўтилган “бутун умрга татиғулик ташвиш” маъносида қўлланмоқда. Аслида ишнинг нозиги бўлмагандек, гапнинг оғири ҳам бўлмайди. Бу ерда метафорик кўчма маъно орқали бадиий адабиётнинг сержилолиги кўрсатиб берилмоқда.

Яна бир мисолга эътибор қаратсак: *Аммо, ҳақиқатда, орадан ўн беш-йигирма йил ўтиб, сиз ҳам катта йигит бўлгансиз, умр - отилган ўқ эмиш [Qodiriy, 2009: 11].*

Мазкур жумлада келтирилган “умр – отилган ўқ эмиш” бирикмаси метафорик кўчма маъно ҳосил қилмоқда. Муаллиф бу ерда умрни шунчалик тез ўтиб кетишини отилган ўқнинг харакатига ўхшатмоқда. Халқимиз орасида мазкур ифодага синоним сифатида қўлланадиган машҳур ибора мавжуд, яъни “умр – оқар дарё”. Бу ибора ҳам метафорик кўчма маъно ҳосил қилиши билан аҳамиятлидир.

- *Отангиз Азизбекнинг мушовири экан, - деди Акрам ҳожиди, - нима учун уни бир оз бўлса ҳам йўлга солмайдир?* [Qodiriy, 2009: 15]. Ушбу жумлада келтирилган “йўлга солмайдир” бирикмаси метафорик кўчма маъно ҳосил қилмоқда. Муаллиф бу ерда “йўлга солмоқ” бирикмасини “тарбияламоқ” сўзи ўрнида қўллаган.

Olam manzarasini kategoriyalashda tilning boy fondi hisoblangan metafora va iboralar, shak-shubhasiz, milliy madaniyatning ajralmas qismi, uning oʻzligini namoyon qiluvchi koʻzguvidir [Baxronova, 2023]. Демак, тил аънаналари образли ифодалаш воситаларида энг ёрқин акс этади. Бадиий асарларда метафора кенг қўлланилади. Бу ҳолат метафоранинг борлиқни бадиий инъикослаш билан чамбарчас боғлиқлиги билан изоҳланади. Зеро, бадиий асарни тушунишнинг ўзи ва борлиққа муносабат кўпинча метафорага мурожаат орқали ифодаланади.

Мақсад умумийлиги табиий равишда қўлланилаётган тил усулларининг ҳам умумийлигини тақозо қилади. Эҳтиросларни ва унинг босимини ифодалаш соҳаси кундалик нутққа артистизм унсурларини олиб киради, у билан эса метафора пайдо бўлади. Бизнинг таҳлилларимиз кўрсатишича, метафора нафақат фавқуллодда сўз қўллаш ва оламни бадиий тасвирлаш усули ҳисобланади. Метафора улардан ташқари яна поэтик тасаввурнинг субъектив мазмунидаги индивидуал-ижодий ўзига хосликларни акс эттиради.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Нелюбин Л.Л. Лингво стилистика современного английского языка: учеб пособие. 3-изд., перераб. идоп. – Москва, 1990. – С.97.
2. Рикер П. Метафорический процесс как познание, воображение и ощущение // Теория метафоры. – М.: Прогресс. 1990. – С. 416.
3. Халимова А.В. Взаимодействие досюжетного и сюжетного времени в тексте (на материале драматического текста) автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2005. – С.9.
4. Qodiriy Abdulla. Oʻtkan kunlar. – Тошкент: “Sharq”. – 2009. – 384 b.
5. Kovecses, G. *Metaphors of Anger, Pride and Love*. – Amsterdam: Benjamins, 1986.

6. Бахронова, Д. К. (2016). Лингвокультурные особенности зооморфных фразеологических единиц. *Вестник Челябинского государственного университета*, (9 (391)), 36-43.

7. Вахронova D.K. OLAM MANZARASI: TIL, TAFAKKUR VA MADANIYAT. – Monografiya, GlobeEdit, 2023. – 212 b.